



Тошкент архитектура
қурилиш инсититути
ҳузуридаги тармоқ
маркази

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ
СУВ ТАЪМИНОТИ ВА ОҚОВА
СУВЛАРИНИ ОҚИЗИШ**

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрьдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: т.ф.н., доцент **Буриев Э.С.**

Тақризчи: Хорижий эксперт **Микаел Гартнер** (АҚШ).

Тошкент темир йўл мухандислари институти проректори,
т.ф.н., доцент **О.А.Мусаев**

*Ўқув-услубий мажмуа Тошкент архитектура қурилиши институти Кенгашининг 2019
йил 4 сентябрьдаги 1-сонли қарори билан наширга тавсия қилинган.*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	10
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	15
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАР	32
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	38
VI. ГЛОССАРИЙ	40
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	42

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиши усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илгор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлик компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзгартирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Саноат корхоналарининг сув таъминоти ва оқова сувларини оқизиши” модулининг мақсади:

- педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини саноат корхоналари ёпиқ занжирли сув таъминоти тизимларида янги технологияларга доир билимларини такомиллаштириш, инновацион технологияларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш ва яратиш бўйича кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Саноат корхоналарининг сув таъминоти ва оқова сувларини оқизиши” модулининг вазифалари:

- педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги хужжатлар, саноат корхоналарида сув таъминоти тизимларини ташкил қилиш модулининг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойихалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари, саноат корхоналарида ёпиқ занжирли сув таъминоти тизимларини ташкил қилиш технологиялари ва геоахборот тизимлари соҳасидаги инновациялар ҳамда долзарб муаммолар мазмунини ўрганишга йўналтириш;

- тингловчиларда саноат корхоналарида ёпиқ занжирли сув таъминоти тизимлари ва геоахборот тизимларига доир проектив, прогностик ва креатив компетентликни ривожлантиришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Саноат корхоналарининг сув таъминоти ва оқова сувларини оқизиши” курсини ўзлаштириш жараённада амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- саноат корхоналарининг сув таъминоти ва оқова сувларини оқизиши курсини ўқитишдаги илгор хорижий тажрибалар ҳақида;

-саноат корхоналарида сув таъминоти ва оқоваларни оқизиши тизимларини лойихалашда ишлатиладиган меъёрий хужжатларни;

- саноат корхоналарида сув таъминоти ва оқоваларини оқизиши тизимларини лойихалаш меъёрлари, тартиби ва қоидаларини;

- ёпиқ занжирли сув таъминоти ва оқоваларни оқизиши тизимларини лойихалаш, ҳисоблаш ва уларни эксплуатация қилиш жараёнларида ишлатиладиган замонавий технологияларни **билиши** керак.

Тингловчи:

- саноат корхоналарининг сув таъминоти ва оқова сувларини оқизиши соҳасидаги меъёрий хужжатларни амалиётга тадбиқ эта олиш;

- саноат корхоналарининг сув таъминоти ва оқова сувларини оқизиши тизимларини лойихалаш технологияларини қўллаш;

- ёпиқ занжирли сув таъминоти тизимларини лойихалашда янги курилиш ашёлари ва жихозларни ишлатиш ҳамда энергия, сув ва бошқа

ресурслар тежамкорлигини таъминловчи технологияларни кўллаш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- саноат корхоналарининг сув таъминоти ва оқова сувларини оқизиш тизимларини таркибидаги тармоқ ва иншоотларни замонавий лойиҳалаш, ҳисобларини олиб бориш ва уларни эксплуатация қилиш;
- саноат корхоналарининг сув таъминоти ва оқова сувларини оқизиш тизимларини лойиҳалашда маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб лойиҳавий ечимларни тўғри танлай олиш ва танланган ечимларини объектив баҳолай олиш;
- лойиҳалаш даврида электрон дастурлардан кенг фойдаланиш, айниқса тозалаш иншоотлар ишини моделлаштирадиган ва лойиҳа чизмаларини яратадиган дастурларини жорий этиш;
- ёпиқ занжирли сув таъминоти тизимларини лойиҳалашда илфор инновацияларни қўллаган ҳолда ўқув жараёнини такомиллаштириш, инновацион таълим технологиялари асосида ўқув жараёнини “жонли”, ижодий ташкил этиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- саноат корхоналарининг сув таъминоти ва оқова сувларини оқизиш курсини ўқитишида талабаларнинг изланишли-ижодий фаолиятга жалб этиш ҳамда мутахассисларни тайёрлашда етарли билим ва кўникмаларга эга бўлган касбий-педагогик **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиши бўйича тавсиялар

“Саноат корхоналарининг сув таъминоти ва оқова сувларини оқизиш” модулини ўқитиши жараёнида қуидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маъruzаларни ташкил этиш;
- виртуал амалий машғулотлар жараёнида лойиҳа ва ассисмент технологияларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Саноат корхоналарининг сув таъминоти ва оқова сувларини оқизиш” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Сув таъминоти ва канализация тизимлари эксплуатациясида янги технологиялар”, “Сув таъминоти ва канализация тизимларини замонавий лойиҳалаш усуллари” ва бошқа барча блок фанлари билан узвий боғланган ҳолда уларнинг илмий-назарий, амалий асосларини очиб беришга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Ушбу фан ўз мақсади ва вазифалари билан олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илгор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар саноат корхоналарининг сув таъминоти ва оқоваларни тозалаш тизимларини замонавий лойиҳалаш ва фойдаланиш технологияларини ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда кўллашга доир проектив, креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						Мустақил таълим	
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Жумладан			
			Жами	Назарий	Амалий	Кўчма машнулот			
1	Саноат корхоналарининг сув таъминоти тизимлари. Саноат корхоналарининг сув таъминоти тизимларининг синфланиши ва уларнинг шакллари. Сув таъминоти тизимида иншоотлар. Саноат корхоналарида техник сувдан фойдаланиш. Сув истеъмолини меъёrlари, тартиби ва сувнинг сифат кўрсатгичларига талаблар. Корхоналарда сув таъминоти баланси. Саноат корхоналарида ёпик занжирли сув таъминоти тизимини тузиш тамойиллари.	2	2	2	2				
2	Табиий сувларни саноат корхоналари технологик жараёнлари учун тайёрлаш. Табиий сувларни саноат корхоналари технологик жараёнлари учун тайёрлаш услублари. Иссиклик элтувчи агент сифатида сувдан қайта фойдаланиш. Сув хоссаларини барқарорлаштириш. Сувнинг технологик кўрсатгичларини тузатиш. Сув	2	2	2					

	таркибидан эриган газларни чиқариш. Сув совутиш қурилмалари.					
3	Саноат оқова сувларини оқизиш тизимлари. Саноат оқова сувларини оқизиш ва тозалаш тизимлари. Саноат оқова сувларининг тоифалари. Оқова сувларни кимёвий таркиби ва хоссалари. Саноат корхоналарининг сув таъминоти ва оқоваларини оқизиш тизимлари ва шакллари. Оқоваларни шаҳар канализация тармоқлари ва очик сув ҳавзаларига қўшиш шартлари.	2	2	2		
4	Саноат корхоналарининг сув таъминоти тизимлари	4	4		2	2
5	Саноат оқова сувларини оқизиш тизимлари	4	4		2	2
	Жами:	14	14	6	4	4

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Саноат корхоналарининг сув таъминоти тизимлари

Саноат корхоналарининг сув таъминоти тизимларининг синфланиши ва уларнинг шакллари. Сув таъминоти тизимида иншоотлар. Саноат корхоналарида техник сувдан фойдаланиш. Сув истеъмолини меъёрлари, тартиби ва сувнинг сифат кўрсатгичларига талаблар. Корхоналарда сув таъминоти баланси. Саноат корхоналарида ёпиқ занжирли сув таъминоти тизимини тузиш тамойиллари. Табиий сувларни саноат корхоналари технологик жараёнлари учун тайёрлаш услублари. Иссиқлик элтувчи агент сифатида сувдан қайта фойдаланиш. Сув хоссаларини барқарорлаштириш. Сувнинг технологик кўрсатгичларини тузатиш. Сув таркибидан эриган газларни чиқариш. Сув совутиш қурилмалари.

2-мавзу: Саноат оқова сувларини оқизиш тизимлари

Саноат оқова сувларини оқизиш ва тозалаш тизимлари. Саноат оқова сувларининг тоифалари. Оқова сувларни кимёвий таркиби ва хоссалари.

Саноат корхоналарининг сув таъминоти ва оқоваларини оқизиш тизимлари ва шакллари. Оқоваларни шаҳар канализация тармоқлари ва очик сув ҳавзаларига қўшиш шартлари. Оқоваларни тозалаш усулларининг синфланиши ва уларни қўллаш шартлари. Оқова сувларни ўрталаштириш. Саноат оқова сувларини механик, кимёвий, физик-кимёвий ва биологик тозалаш. Тозалаш жараёнларида ҳосил бўладиган чўкмалар. Саноат оқова сувларини чуқур тозалаш.

3-мавзу: Оқова сувларни заарсизлантириш

Оқова сувларни заарсизлантириш ва заҳарсизлантириш. Сувларни заарсизлантириш услублари, қурилмалари ва иншоотлари, қўллаш шартлари. Тозаланган оқоваларни сақлаш ва уларни қайта ишлатиш.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Саноат корхоналарининг сув таъминоти тизимлари

Саноат корхоналарида ёпиқ занжирли сув таъминоти тизимларини бош режасини ва сув баланси шаклини тузиш. Ёпиқ занжирли сув таъминоти тизимларини тармоқларини гидравлик ҳисоблаш дастурлари. Лойиҳалаш жараёнларида геоахборот тизимларидан фойдаланиш ва маълумотлар базасини шакллантириш. Сув истеъмолини меъёрлари, тартиби ва сувнинг сифат кўрсатгичларига талаблар. Корхоналарда сув таъминоти балансини тузиш. Табиий сувларни саноат корхоналари технологик жараёнлари учун тайёрлаш. Табиий сувларни тайёрлаш учун услублар ва иншоотлар. Иссиқлик элтувчи агент сифатида сувдан фойдаланиш. Сув хоссаларини барқарорлаштириш. Сувнинг технологик кўрсатгичларини тузатиш. Сув таркибидан эриган газларни чиқариш. Сув совутиш қурилмалари.

2- амалий машғулот: Саноат оқова сувларини оқизиш тизимлари

Саноат оқова сувларини оқизиш ва тозалаш тизимлари. Саноат оқова сувларининг тоифалари. Оқова сувларни кимёвий таркиби ва хоссалари. Саноат корхоналарининг сув таъминоти ва оқоваларини оқизиш тизимлари ва шаклларини танлаш тамойиллари. Оқоваларни шаҳар канализация тармоқлари ва очик сув ҳавзаларига қўшиш шартларини ҳисоблаш. Саноат оқова сувларини тозалаш. Оқоваларни тозалаш усуллари. Оқова сувларни ўрталаштириш жараёни ва ўрталагичлар ҳисоби. Саноат оқова сувларини механик, кимёвий, физик-кимёвий ва биологик тозалаш иншоотлари. Тозалаш жараёнларида ҳосил бўладиган чўкмалар. Саноат оқова сувларини чуқур тозалаш иншоотлари.

Амалий машғулотларни “Кичик гурухларда ишлаш” ва бошқа таълим

методларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда ўкув жараёнида фойдаланиладиган педагогик ва ахборот технологияларининг кўлланилиши, маъruzалар бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш, амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилади.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология тингловчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Фикр: “*XXI-асрдан бошлиб сув таъминоти соҳасида ёпиқ занжирли сув таъминоти тизимлари ягона ечим сифатида ривожлана бошлади*”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя тақлиф этилади;
- ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф

- фикрингизни баён этинг

С

- фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг

М

- кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг

У

- фикрингизни умумлаштиринг

- тингловчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқулар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



Сув таъминоти ва оқова сувларни оқизиши соҳасида олиб бораётган амалий тадқиқотлар тизимининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Сув таъминоти ва оқова сувларни оқизиши соҳасида олиб бораётган амалий тадқиқотлар тизимининг кучли томонлари	Сув таъминоти ва оқова сувларни оқизиши тизимида жорий қилинаётган инновацион технологиялар тизимда рўй берадиган ўзгаришларҳақида тезкор хабар бериш, бошқаришга имкон яратади. Шунингдек энергия ва бошқа ресурс сарфларини иқтисод қилишга ёрдам беради.
W	Сув таъминоти ва оқова сувларни оқизиши соҳасида олиб бораётган амалий тадқиқотлар тизимининг кучсиз томонлари	Ёпиқ занжирли янги технологияларни қўйлаш қўшимча маблағ, янги асбоб ускуна, замонавий техникани талаб қиласди.
O	Сув таъминоти ва оқова сувларни оқизиши соҳасида олиб бораётган амалий	Ёпиқ занжирли сув таъминоти тизимлари энг асосий ресурс - сувни

	тадқиқотлар тизимидан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	иқтисод қилишга ва экологияни сақлашга имкон яратади.
T	Тўсиқлар (ташқи)	Сув таъминоти ва оқова сувларни оқизиш соҳасида олиб бораётган амалий тадқиқотлар тизимининг камчиликлари

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод Тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод Тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда Тингловчилар ёки қатнашчиларга қуидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

“Тўғри чизиқли сув таъминоти тизими сувни ҳавзадан олиш, уни тайёрлаш(тозалаш), сақлаш, узатиш ва ҳосил бўладиган оқоваларни чиқариш учун мўлжсалланган тизимга айтилади. Сувдан қайта фойдаланиладиган кетма-кет сув таъминоти тизимида бир ишлаб чиқариш технологиясида ҳосил бўлган оқовалар иккинчи ишлаб чиқаришда ишлатилади. Зарур пайтларда оқовалар маълум дараражагача тозаланиши мумкин. Айланма сув таъминоти тизимида ҳосил бўладиган оқова сувлар махсус инишоотларда тозаланиб ёки совутилиб қайтадан ишлаб чиқаришга жўнатилади. Сувсиз технологиялар тизимида ишлаб чиқаришда умуман оқова сув ҳосил бўлмайди ёки у қаттиқ чиқиндишлар таркибига кириб қолади”

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, тингловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изохини уқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир тингловчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Кўшимча маълумот
Тўғри чизиқли сув таъминоти тизими	Тўғри чизиқли сув таъминоти тизими- сувни ҳавзадан олиш, уни тайёрлаш(тозалаб), сақлаш, узатиш ва ҳосил юўладиган оқоваларни чиқарии учун мўлжассланган тизимга айтилади.	
Айланма сув таъминоти тизими	Айланма сув таъминоти тизимида ҳосил бўладиган оқова сувлар маҳсус инишоотларда тозаланиб ёки совутилиб қайтадан ишилаб чиқаршига жўнатилади.	
Сувдан қайта фойдаланиладиган кетма кет сув таъминоти тизими	Сувдан қайта фойдаланиладиган кетма кет сув таъминоти тизимида бир ишилаб чиқарши технологиясида ҳосил бўлган оқовалар иккинчи ишилаб чиқаршида ишилатилади. Зарур пайтларда маълум тозалаши дан кейин.	
Сувсиз технологиялар тизими	Сувсиз технологиялар тизимида ишилаб чиқаршида умуман оқова сув ҳосил бўлмайди ёки у қаттиқ чиқиндилар таркибида қолади.	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ СУВ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМЛАРИ

Режа:

- 1.1. Саноат корхоналарининг сув таъминоти тизимлари
- 1.2. Сув истеъмоли, меъёрлари ва тартиби.
- 1.3. Корхоналарда сув таъминоти баланси.

Таянч иборалар: сув таъминоти тизимлари, сув манбалари, сув-босим миноралари, насос станциялари, тоза сув ҳовузи, тўғри чизиқли сув таъминоти шакли, кетма-кет сув таъминоти шакли, айланма сув таъминоти шакли.

Сувни манбадан олиш, уни зарурий даражада тозалаш ёки унга ишлов бериш, истеъмолчиларга етарли миқдорда ва талаб қилинган босимда узлуксиз узатиш учун мўлжалланган мухандислик тармоқлар, иншоотлар, курилмалар ва тадбирлар мажмуига **сув таъминоти тизими** деб айтилади.

Одатда, саноат корхоналари шаҳар сув таъминоти тизимидан сув олади. Корхоналарда сув технологик, майший ва бошқа мақсадларда ишлатилиши мумкин. Шунингдек, сув корхоналарида ёнғинни учирин, кўкаламзорларни суғориш ва кўчаларга сепиш учун ҳам ишлатилади. Шу сабабли сув таъминоти тизимлари фойдаланиш мақсадларига биноан хўжалик-ичимлик, ишлаб-чиқариш, ёнғинга қарши, суғориш ҳамда бирлаштирилган турларига бўлинади.

Сув таъминоти тизимлари сувни очиқ (дарёлар, кўллар, сув омборлари) ва *ер ости* (сизот сувлари, булоқлар, артезан ва шахта қудуклари) манбаларидан олиниши сабабли улар шу турларга бўлинади. Сув бериш услуги бўйича тизимларнинг *босимли* (насослар ёрдамида сув берувчи) ва *ўзиоқар* турлари мавжуд. Тизим маҳаллий шароитлар, манба сувининг сифати, истеъмолчи тури ва унинг талабларига боғлиқ ҳолда танланади. Анъанавий сув таъминоти тизими сувни қабул қилиш иншооти, биринчи босқич насос станцияси, сувни тозалаш, тайёрлаш ва заарсизлантириш

иншоотлари, тоза сув сақлаш ҳовузлари (ТСХ), иккинчи босқичнасос станцияси, сув узатиш ва тарқатиш тармоқлари каби унсурлардан иборат бўлиши мумкин

Сув таъминоти ва оқоваларни оқизиши тизимларининг барча иншоотлари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар бирортасининг ишдан чиқиши бутун тизимнинг ишига салбий таъсир қилиши ва истеъмолчиларни сувсиз қолишига олиб келиши мумкин. Тизимдаги ҳар бир иншоотнинг узлуксиз ва ишончли ишланини таъминлаш муҳим эксплуатацион аҳамиятга эга.

Насос ва насос станциялари бажарадиган асосий вазифа - сувни истеъмолчиларга зарурий миқдор ва етарли босимлардаузатиш ҳисобланади. Сув таъминоти тизимининг турига боғлиқ ҳолда биринчи, иккинчи ва хатто учинчи босқичли насос станцияларинижойлаштириш мумкин.

Биринчи босқич насос станцияси манбадан олиб сувни тозалаш станциясига етказиб бериш учун хизмат қиласди. Агар манба сувининг сифат кўрсатгичлари ичимлик суви бўйича давлат стандартлари талабларига жавоб берса, у ҳолда, биринчи босқичли насос станциясисувни сувни бевосита ТСХ га тўплаш учун ишлайди. Бундай тизимда сув заарсизлантирилгандан сўнг истеъмолчиларга узатилади. Одатда, ер ости сувларини бурғу қудуқларидан ТСХ сига узатиш учун ЭЦВ ва АТН русумли бурғу насос агрегатлари кўлланилади.

Тозаланган сувни истеъмолчиларга етказиш вазифасини иккинчи босқичли насос станцияси бажаради. Бу станциялар сувни босимли узатишва тарқатиштармоқлари орқали истеъмолчиларга етказади. Шуни алоҳида эътиборга олиш керакки, иккинчи босқич насос станцияси ишлаш тартиби ростлаш–захира сифимлари ва сув тарқатиш тармоқлари ишлаш тартиби билан монан ишланиши ҳамда уларда ҳосил қилинган босим меъёридан кам ҳам, кўп ҳам бўлмаслиги лозим. Объектнинг ихтиёрий нуқталарида ҳар қандай вақтда 10-60 м сув устунида босим таъминланиши лозим.

Эҳтиёж туғилганда, яъни тармоқда босим етарли бўлмаган пайтларда, учинчи босқичли насос станциялари қўлланилаши мумкин. Бунга Самарқанд шаҳрининг сув таъминоти тизимини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бундай ҳолларда объектнинг бир қисмига ёки бир гуруҳ истеъмолчиларига (алоҳида жойлашган биноларга) юқори босим остида сув бериш эҳтиёжи туғилади ва бундай муаммонинг ечими учинчи босқич насос станцияларидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади.

Сув тарқатиш тармоқларининг шакллари асосан уч хил, яъни ҳалқасимон, боши берк ва аралаш турларга бўлинади. Ҳалқасимон тармоқлар асосан, марказлаштирилган сув таъминоти тизимларида ишлатилади. Бундай тармоқларнинг гидравлик ҳисоби сувнинг ҳаракат йўналиши, сарфи, тезлиги ва сув тарқатиш кувурларининг гидравлик кўрсаткичлари асосида бажарилади. Саноат корхоналарида тўғри чизиқли, кетма-кет ва айланма сув таъминоти тизимлари ишлатилади.

Тўғри чизиқли сув таъминоти тизими сувни ҳавздан олиш, уни тайёрлаш(тозалаш), сақлаш, узатиш ва ҳосил бўладиган оқоваларни чиқариш учун мўлжалланган тизимга айтилади. Сувдан қайта фойдаланилайдиган кетма-кет сув таъминоти тизимида бир ишлаб чиқариш технологиясида ҳосил бўлган оқовалар иккинчи ишлаб чиқаришда ишлатилади. Зарур пайтларда оқовалар маълум даражагача тозаланиши мумкин. Айланма сув таъминоти тизимида ҳосил бўладиган оқова сувлар маҳсус иншоотларда тозаланиб ёки совутилиб қайтадан ишлаб чиқаришга жўнатилади. Сувсиз технологиялар тизимида ишлаб чиқаришда умуман оқова сув ҳосил бўлмайди ёки у қаттиқ чиқиндилар таркибиға кириб қолади.

Сув ҳавзаларини ифлосланишдан муҳофаза қилишнинг асосий ечими сифатида қуидаги йўналишларни келтириш мумкин:

- ёпиқ занжирли сув таъминоти тизимларини яратиш ва ривожлантириш;
- кам сув талаб қиласиган ёки умуман талаб қилмайдиган технологик жараёнлар ва оқоваларни қайта ишлатиш учун самарали тозалаш усулларидан фойдаланиш.

Ишлаб чиқариш технологик талабларга мувофиқ ҳар бир босқичда сувнинг сифат қўрсатгичларига талаблар мавжуд. Шу талабларга биноан, сувнинг таркибидаги рухсат этилган моддалар ва уларнинг миқдорлари асосида сувни локал ёки марказлашган иншоотларда тозалаш амалга оширилади.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш мақсаларига мувофиқ сув тўрт тоифага мансуб ишлатилади:

- 1- тоифа сув суюқ ва газсимон моддалрни совутиш учун иссиқлик алмашиниш қурилмаларида ашёлар билан бевосита контакта бўлмаган ҳолда ишлатилади ва деярли ифлосланмайди;
- 2- тоифа мансуб сувлар исимаган ҳолда турли хил эримаган ва эриган моддаларни ютиб сақлаш учун ишлатилади ва ҳар хил моддалар билан ифлосланади;
- 3- иккинчи тоифадагидек сувлар қўшимча яна исийди;
- 4- сув экстрагент ёки кимёвий унсурларни эритувчи модда сифатида ишлатилади.

Айланма сув таъминоти тизимида сувларнинг бир қисми уларга ишлов берилгандан(совутилгандан) кейин қайта ишлатилиши мумкин. Саноат оқова сувлари смена давомида текис ёки нотекис оқиб келиши мумкин. Смена давомида бирдан катта миқдорда ниҳоятда кучли ифлосланган оқовалар ҳам оқиб келиши мумкин. Оқоваларни оқиб келиши жараённинг технологик регламенти билан белгиланади. Кеча-кундуз давомида оқованинг таркиби ҳам ўзгариб туриши мумкин.

Назорат саволлари:

1. Сув таъминоти тизими қандай унсурлардан иборат?
2. Саноат корхоналарида қандай турдаги оқова сувлар ҳосил бўлади?
3. Оқова сувлар ўз уювчанлиги билан қандай гурухларга бўлинади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Standard Handbook of Environmental Engineering.R.A. Corbit. New York 2011.
2. Water and Wastewater Engineering. Design Principles and Practice. Mackenzie L. Davis, Ph.D., P.E., BCEE. 2010 by The McGraw-Hill Companies. New York.1278 p.
3. Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифатини назорат қилиш О'з Dst 950:2011. Тошкент.- 2011 й.
4. ҚМҚ 02.04.02-97. Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва ишоотлар. Тошкент, 1997 й.
5. John van Rijn. Planning of water supply and sewer systems. Edition, 2004.

2-мавзу: Саноат оқова сувларини оқизиш тизимлари

Режа:

- 2.1. Саноат оқова сувларини оқизиш ва тозалаш тизимлари.
- 2.2. Оқова сувларни кимёвий таркиби ва хоссалари.
- 2.3. Оқоваларни шаҳар канализация тармоқлари ва очиқ сув ҳавзаларига қўшиш шартлари.
- 2.4. Оқоваларни тозалаш усуллари ва уларни қўллаш шартлари.
- 2.5. Саноат оқова сувларини чуқур тозалаш.

Саноат оқовалари қуйидагилардан ҳосил бўлади:

-технологик операцияларда сувдан бевосита фойдаланилганда (бу сувлар технологик жараёнда иштирок этадиган моддалар билан ифлосланган);

-технологик аппаратура ва куч агрегатларни сув билан совутишда (бундай сувлар, одатда, ҳарорати юқорироқ бўлиб, шартлича тоза);

-тайёр маҳсулот ва хом ашёлар сақланадиган ва ёқилғи транспортда ташишда сувдан фойдаланилганда (бу сувлар турли моддалар билан ифлосланган бўлади).

Таркибida турли қўшимчалар бор саноат оқова сувларининг ифлосланиши фойдаланиладиган ҳом ашёга боғлиқ бўлиб, 3 гурухга бўлинади:

-асосан минерал қўшимчалари билан ифлосланиш (металлургия, машинасозлик, руда ва кўмир қазиши саноати ва қурилиш материаллари ва ҳ.к. корхоналари);

-асосан органик қўшимчалари билан ифлосланиш (озик овқат, целлюлоза-қофоз, кимё саноати корхоналари ва б.);

-минерал ва органик қўшимчалари билан ифлосланиши (нефт қазиб олиши ва қайта ишлаш саноати).

Саноат корхоналари худудида уч тоифага мансуб оқова сувлар ҳосил бўлади: ишлаб чиқариш, майший ва атмосфера. Майший оқовалар асосан хожатхона, ошхоналарда ва душларда ҳосил бўлади. Атмосфера оқовалари ёмғир сувлари, қор ва музларни эриши натижасида пайдо бўлади.

Ишлаб чиқариш оқовалари шартли тоза ва ифлосланган оқова турларига бўлиш мумкин ва технологик жараёнларга боғлиқ ҳолда қуйидаги таркиб мансуб бўлади:

- шартли тоза;
- асосан минерал моддалар билан ифлосланган;
- асосан органик моддалар билан ифлосланган;
- асосан бактериал моддалар билан ифлосланган;
- асосан биологик моддалар билан ифлосланган;

Оқова сувларни таркиби ишлатиладиган тоза сув таркиби, ишлаб чиқариш технологияси ва бошқа кўп омилларга боғлиқ. Оқовалар таркибида ифлосликлар концентрациясига боғлиқ ҳолда уларни қуйидаги групкалардан иборат:

- 500 мг/л гача;
- 500 дан 5000 мг/л гача;
- 5000 дан 30000 мг/л гача;
- 30000 мг/л дан ортиқ.

Оқова сувлар ўзининг уювчанилиги билан қуйидаги групкаларга бўлинади:

- Нейтрал ($\text{pH}=6,5-8,0$);

- Кучсиз нордон ($\text{pH}=6,0-6,5$);
- Кучли нордон ($\text{pH}=6,0$ дан кичик);
- Кучсиз ишқорий ($\text{pH}=8,0-9,0$);
- Кучли ишқорий ($\text{pH}=9,0$ дан юқори);

Ҳосил бўладиган оқова сувларнинг миқдори сув истеъмоли меъёрига боғлиқ. Сув истеъмоли меъёри деб ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган ва мақсадга мувофиқ белгиланган сув миқдорига айтилади. Одатда оқова сув меъёри сув истеъмоли меъёрига тенг. Лекин айрим технологик жараёнларда бу меъёрлар сувнинг маҳсулот таркибига кириб кетиши, буғланиб кетиши ёки сувли хом ашёларнинг ишлатилишида фарқ қилиши мумкин.

Умумлаштирилган сув истеъмоли меъёрларининг таркибига ишлаб чиқариш ва хўжалик-маиший мақсадлар учун ишлатиладиган барча сув сарфлари киради. Умудлаштирилган сув истеъмоли меъёрлари ишлаб чиқарилган бир бирлик маҳсулотга нисбатан берилади, масалан:

- Бир тонна цемент ишлаб чиқариш учун – $0,1 \text{ м}^3/\text{т}$;
- Синтетик сирт фаол модда ишлаб чиқаришда – $1 \text{ м}^3/\text{т}$;
- Қоғоз ишлаб чиқаришда – $37 \text{ м}^3/\text{т}$;
- Сунъий тола ишлаб чиқаришда – $233 \text{ м}^3/\text{т}$;

Маиший ва атмосфера оқова сувларининг сарфлари корхонада ишлайдиган ишчилар сони, ишлатиладиган технология турига, метеорологик шароитларга, корхона ҳудудининг тузилишига боғлиқ.

Оқова сувларни ўрталаштириш. Сув сарфини ҳамда унинг моддаларини концентрацияси ёки бир вақтнинг ўзида ҳам сарфи, ҳам моддалар концентрациясини ўртача қўрсаткичларга яқинлаштириш мақсадида ўртачалаштирувчилар қўлланилади. Ўртачалаштирувчилар контактли ва оқар бўлиши мумкин.

Контактли ўртачалаштирувчилар асосан кичик ҳажмли сарфларда вақти-вақти билан оқоваларни оқизиб ташланадиган ҳолларда ва концентрацияни 100% га етказиш зарур бўлганда қўлланади. Аксарият ҳолларда эса оқар ўртачалаштирувчилар қўлланилади. Концентрацияни оқар

ўртачалаштирувчилар сувни диагонал бўйича ёилувчи, кўп коридорли ёки аралаштирувчи резервуар кўринишида барпо этилади. Улар концентрацияли оқова сувларни

Коридорларга қўйилган оқова сувларнинг бир қисми шу заҳоти диагонал тўсиқ бўйлаб жойлашган йигувчи тарновларга тушади. Узун коридорлардаги сувлар кечикироқ тушади ва ўрталаштирувчига кейинроқ оқиб келган сув билан қўшилади.

1) Ўрталаштирувчи резервуар иш ҳажми w тўлиқ ўрталаштиришни таъминловчи T циклининг давомийлиги билан белгиланади.

$$\mathbf{w} = \frac{\sum_{i=1}^T \mathbf{q}_i}{2n},$$

бунда q_i -ўрталаштириш даврининг ҳар бир соатига оқова сувлар сарфи; η -кўр-кут коэффициенти, 0,7.

Соатбай сарфлар циклик бўлмаса, ўрталаштириш даври T концентрацияни тенглаш бўйича талабларга кўра танлаб олинади.

Моддаларга энг кўп тўйинган сувни ўрталаштирувчига кирган вақт ҳам бу даврга кириши керак.

$$2) \text{Агар } \mathbf{C}_{\text{урт}} = \sum_{i=1}^t \mathbf{q}_i \mathbf{c}_i / \mathbf{w},$$

бунда c_i -энг кўп сув сарфи соатларида моддалар билан тўйинганлик даражаси.

Формула бўйича топилган моддаларни ўртча концентрацияси йўл қўйилган қийматдан кўп бўлса, ўрталаштирувчининг ҳажми кичик концентрацияси қўшимча сувни қабул қиласидиган даражагача катталаштирилади ($W_{\text{кат}}$):

$$W_{\text{кат}} = \left(\sum_{i=1}^t \mathbf{q}_i + \sum_{k=t+1}^{t+1} \mathbf{q}_k \right) / 2\eta$$

$$C_{\text{урт}} = \left(\sum_{i=1}^t \mathbf{q}_i + \sum_{k=t+1}^{t+1} \mathbf{q}_k \right) / W_{\text{кат}}.$$

3) Агар сув биракайига чиқариб таншланса,

$$W = q \cdot N_3 K / 2\eta,$$

бунда q -оқова сувлар сарфи; T_3 -биракайига сув ташлаш давомийлиги; K -ўрталаштириш коэффициенти.

$$K = (C_{max} - C_{ypr}) / (C_{tagi} - C_{ypr}).$$

Ўрталаштириши керакли даражада таъсири бўлиши учун, иккила ярмининг ҳар бирини кенглиги бўйича 5-6 коридорга бўлиш кифоя; бунда иншоотнинг динамик имкониятлари деярли тугайди.

Ўрталаштирувчи узунлиги қўйидаги формуладан топилади:

$$L = \frac{w}{N \cdot b \cdot H},$$

бунда N -коридорлар сони; b -ҳар бир коридор кенглиги;

H -ўрталаштирувчи чуқурлиги.

Конструктив жиҳатдан ўрталаштирувчи узунлиги $0,5(L-L_n)$ га узайтирилиши керак.

$$\text{Бунда } L_t = \sum_{i=1}^t q_i / 2NbH.$$

Диагонал тўсиқ ўрталаштирувчи узунлиги бўйича қарама-қарши деворларида жойлашган ва ён томон деворлардан $0,5(L-L_t)$ узокликда бўлган нуқталарни туташтириш керак.

Агар сув сарфи ҳамда концентрацияси C_{ypr} дан ΔC га ўзгариб турувчи, йўл қўярли тебранишларини тўлиқ ўрталаштириш зарур бўлса, оқова сувни аралаштирадиган мосламага эга ўрталаштирувчидан фойдаланиш мумкин.

Кираётган сув концентрацияси қўйидагига teng:

$$C_{ypr} = \frac{Q_i C_i - (Q_i C_i - Q_{ypr} \cdot C_{pas}) e^{-q_{ypr} t / w_i}}{q_{ypr}},$$

бунда Q_i -ўрталаштирувчига ташаётган ўзгарувчан сув сарфи;

C_i - мавжуд сув сарфининг тўйинганлиги;

$Q_{\text{урт}}$ - ўрталаштириш жараёнида чиқариб ташлаётган оқова сувларнинг ўзгармас ҳажми;

$C_{\text{рез}}$ - оқова сувлар тушиш вақтида ўрталаштирувчидағи моддаларни концентрацияси;

t -оқоваларни ўрталаштирувчига келиб тушиш вақт узоқлиги;

w_i -оқова сувлар тушишдан аввал ўрталаштирувчидағи сув ҳажми, ўрталаштирувчининг ҳисобий ҳажми.

$$W = W_{\min} + W_{\text{рез}},$$

бу ерда W_{\min} -сув чиқарувчи мослама иш бошлайдиган энг кичик ҳажм.

Агар $C_{\text{урт}} < C_{\text{йўл}}$ кўярли бўлса, ушбу ўрталаштирувчининг ўзи қолдирилади; акс ҳолда унинг кетидан концентрацияни ўрталаштирувчи қўйилади.

$$W_{\min} = \sum_{i=1}^{\tau} \cdot q_i,$$

бунда τ -ўрталаштирувчидаги сув ҳажми W_{\min} га етиш учун сарфланадиган вақт.

Оқова сувлар бараварига оқганда,

$$W_y = \frac{1,3Q - t_3(\kappa - 1)}{\ln K \cdot \eta} \quad K < 5 \text{ да};$$

$$K > 5 \text{ да} \quad W_y \leq 1.3 Qt_3 \text{ к/н.}$$

Цикл бўйича ўзгаришларда

$$K < 5 \quad W_y = 0.2 / Qt_k \sqrt{\kappa^2 - 1} / \eta;$$

$$K > 5 \quad W_y = 0.21 \cdot Qt_k / \eta;$$

$$\Delta C_{\text{чик}} = Q(C_{\text{кир}} - C_{\text{чик}}) / \Delta t W_y;$$

$$\Delta t < W_y / (5Q).$$

Аралаштириш механик аралаштиргич ва насослар билан амалга оширилиши мумкин, аммо тешекли қувурсимон барбатералардан фойдаланиш энг қулай қувурсимон барбатералар девордан ўрталаштирувчидағи сув сатхи баландлиги Н га teng масофада ётқизилади. Барботералар оралиғи $b_c \leq 2H$ га teng бўлиб, улар аниқ параллел ҳолатда, баландлиги 7-10 см ли тагликларга қўйилади.

Агар сатх ўзгарувчан бўлса, $I_{eK}H_{min}$, яъни максимал масофа асло

$$b_{max} = 2(0,5 + 2,8H) \lg(1 + q_{вод})$$

дан ошмаслиги керак.

Агар факат аралаштириш керак бўлса, $q_{вод} 4 \div 6 \text{ м}^3/\text{с}$ -оралиқ ҳамда $q_{вод} 2 \div 3 \text{ м}^3/\text{с}$ -девор олдидағи $H 1 \div 6 \text{ м}$ даги барбаталарнинг 1м га тўғри келади.

Агар муаллақ заррачалар бўлса, оқим тезлиги циркуляциясининг min қиймати тенг

$$V_n = K_{вz} \cdot I_o^{0,5},$$

бунда $K_{вz}$ -мутаносиблик коэффициенти паға-паға заррачалар учун $5 \div 6$ га, таркиблилари учун $10 \div 12$ га тенг.

Оқимда заррачалар чўқмаслиги учун

$$q_{воз.} = \frac{\vartheta_n^1}{6,25 \cdot q \cdot H_{min}}.$$

Сув узатишни 2 баравар жадаллаштириш зарур.

Умумий ҳаво сарфи

$$Q_{ym} = N \cdot I_B \cdot q_{djp} q,$$

бунда N -барбатералар сони;

I_B -уларнинг узунлиги.

Ҳар бир айланиб турадиган оқимга бир хил сув ҳажми қўшиладиган қилиб барбатералар остига тақсимловчи новлар ўрнаштирилади.

Улар орасидаги энг катта масофа

$$I_{ok} = \vartheta_{max\ k} \cdot T_n,$$

бунда $\vartheta_{max\ k}$ -ўрталаштирувчи бўйлаб max концентрация тўлқинларининг тарқалиш тезлиги, $5 \text{мм}/\text{с}$;

Тн-ўрталаштирувчи ичидаги сувлар билан келиб тушган сувларнинг тўлиқ аралashiшига сарфланган вақт; $T 2 \div 5$ да (ўлчамларга қараб).

Бундан ташқари, айлана шаклдаги ўрталаштирувчи тиндиригич күлланилади. Унинг ҳаракатланувчи фермасига турли чуқурликга туширилган тақсимловчи тешикли қувурлар маҳкамланган.

$$D_{\text{айл}} = 40\text{м}; \quad Q = 1125\text{м}^3 / \text{соат};$$

түрткүнжі 4 соат; ферма учун $n_{\text{айл}} = 2 \div 4$ соат.

Чүкинді тиндиригичдеги каби куракча билан тозаланади.

Шунингдек, гоҳида суюқлик айланма ҳаракатланувчи ўрталаштирувчилардан фойдаланилади.

Оқова сувларни механик тозалаш. Оқова сувларни эңг күп ифлослантирувчи моддалар-бу эримайдын аралашмалар.

Ёйилғанлик (дисперслик) даражасига күра ифлослантирувчи моддалар күп бол суспензиялар, коллоид эритмалар ва ҳақиқий эритмаларга бўлинадилар. Диаметри 1×10^{-5} см га тенг муаллақ заррачалар узоқ вақт муаллақ ҳолатда туралмайдилар. Уларни чўкиш ёки кўтарилиш тезлиги заррачалар зичлиги ҳамда катталигига боғлиқ. Майда заррачалар ($D_{yc} \leq 1 \cdot 10^{-5}$ см) жуда узоқ вақт муаллақ ҳолатда бўлиши мумкин.

Оқова сувлардан күп бол дисперсланган органик ва минерал аралашмаларни ажратиб олиш учун асосан 3 та услуб кенг күлланади: сизгичдан ўтказиш, гравитация кучлари майдонида ажратиш (тиндириш), марказдан қочма куч майдонида ажратиш (центрифугалаш).

Оқова сувларни физик-кимёвий тозалаш

Физик-кимёвий тозалаш услублари муаллақ моддалардан иложи борича кўпроқ тозалашни талаб этади. Бу услубларга қуйидагилар киради:

Коагуляция, флотация, сорбция, флокуляция, экстракция, ионли алмашув, гипер-фильтрлаш, диализ, эвапарация, қайнатиб буғлантириш, буғга айлантириш, кристаллаш, магнитли ишлов, шунингдек, электр майдонини тўпланиши билан боғлиқ электроагуляция, электр флотация усуллари.

Флотация. Эримас аралашмаларни оқова сувлардан чиқариб ташлаш услубларидан бири-флотация. Бу жараён негизида суюқликни ва сувда юпқа

дисперсланган ҳаво пуфакчалари заррачаларини молекуляр даражасида ёпишганлиги ётади.

Заррача газ пуфакчасига фақат заррача ҳўлланмагандага ёки қисман ҳўлланганда ёпишади. +аттиқ заррачаларнинг ҳўлланиши даражаси ҳўлланишнинг четки бурчаги билан тавсифланади: қанча заррача кўп ҳўлланса, шунча яхши флотацияланади (ҳаво ва заррача). -

Флотация жараёнида оқова сувдаги ҳаво пуфакчаларининг сони, ўлчамлари ҳамда бир текис тақсимланганлиги катта аҳамиятга эга, ҳаво пуфакчаларининг энг қулай ўлчамлари 15-30 мкм, max-100÷200мкм.

Тозалаш амалиётида турли конструктив схемалар ишлаб чиқилган:

1. Кўпикли флотация усули эримаган заррачаларни ажратиб олиш ва эриган моддлар билан тўйинганликни камайтиришда қўлланади;
2. Кўпинча сепарация услуби эриган моддаларни йўқотиш учун қўлланади.

Флотация усулларининг асосий фарқлари суюқликни ҳаво пуфакчалари билан тўйинганлигига.

- 1) Эритмадан ҳавони ажратиши билан боғлиқ флотация (вакуумли, босимли ва эрлифли флотациялаш қурилмалари);
- 2) Ҳавони механик дисперсиялаш билан боғлиқ флотация (имлерли босимсиз ва пневматик флотациялаш қурилмалари);
- 3) /овакли материаллар орқали ҳаво бериши билан боғлиқ флотация;
- 4) Электр флотация.

Оқова сувларни нейтраллаш (кимёвий тозалаш). Кимёвий усулда ишлов бериладиган, ёғсизлантирилган ва галваник ванналарда галваник қоплама билан қопланган металлар ювиладиган галваник ва аккумулятор цехлари бор корхонанарда кислота, ишқор ва оғир метал (цинқ, никел ва б.) лар билан ифлосланган оқова сувлар ҳосил бўлади. шунга ўхшашиб оқовалар аккумуляторларни қайта тиклаш жараёнида, унинг идиши ва пластиналарини ювишда пайдо бўлади.

Оқова сувларни нейтраллаш учун қуйидагиларга йўл қўйилади: турли кўринишдаги оқова сувларни аралаштириш (кислотали ва ишқорли); кислота ёки ишқорли сувларни бошқа оқовалар билан маҳсус ўрталаштирувчи ёки оралиқ резервуарларда чапиштириш; оқова сувларга маҳсус реагентлар қўйиш (охак Ca O, охак сути Ca(OH)₂, калцийланган сода N₂CO₃, каустик сода NaOH, аммиак NH₃OH ларни сўндириш); нейтралловчи материаллардан ўтказиб оқова сувларни фильтрлаш (оҳактош CaO₃, доломит CaCO₃, MgCO₃, бўр CaCO₃, мармар ва б.).

Нейтраллаш усулини танлаш кислота тури ва концентрациясига, ишлатилган нейтрализацияланувчи сувларни сарфи ва келиб тушиш режимига; мавжуд реагентларга, маҳаллий шароитларга боғлик.

Назорат саволлари:

1. Флотация усулларининг асосий фарқлари.
2. Нейтраллаш усулини танлаш нималарга боғлик?
3. Оқова сувларни энг кўп ифлослантирувчи моддаларга нималар киради?
4. Соатбай сарфлар циклик бўлмаса, ўрталаштириш даври Т концентрацияни қайси талабларга кўра танлаб олинади?
5. Эrimas аралашмаларни оқова сувлардан чиқариб ташлаш услубларидан бири қандай аталади?

3-Мавзу: Саноат оқова сувларини оқизиш тизимлари.

Шаҳар канализациясига оқиб тушадиган оқова сувлар таркибида аҳолидан ва саноат корхоналаридан чиқадиган ҳар хил ифлосликлар бўлади. Қурилиш мъёрлари ва қоидаларининг 6.4 бандига биноан майший-хўжаликдан келадиган оқова сувларнинг ифлослик концентрациясини аниқлаш учун ҳар бир аҳолидан суткада канализацияга тушадиган ифлослар миқдорини билиш керак. Буни қурилиш мъёрлари ва қоидаларининг 26 жадвалидан қабул қилинади.

Жадвалдан фойдаланганда қуйидагиларни эсда тутиш керак:

- а) канализация қилинадиган районларда яшовчи аҳолидан канализацияга тушадиган ифлослар миқдорини жадвалда келтирилгандың қийматдан 33% олинади.
- б) маиший-хўжалик корхоналаридан (ошхона, касалхона, мактаб, ҳаммом, боғча-ясли ва ҳ.к.) оқова сув таркибида тушадиган ифлослар миқдори шу жадвалда келтирилгандың қийматларда ҳисобга олинган.
- в) канализация қилинадиган жойдаги аҳолига хизмат қўрсатишга боғлик бўлмаган муассасалардан (мехмонхона, вокзал, истироҳат боғлари) оқова сув таркибида канализацияга тушадиган ифлослар миқдорини алоҳида ҳисобга олиш керак.

Аҳолидан канализацияга тушадиган ифлосларнинг умумий миқдорини чўкиндилар ва кислородга бўлган талаби (КБТ) бўйича аниқлаш.

1. Чўкинди бўйича қуйидаги ифода орқали аниқлаш мумкин

$$C = \frac{a \cdot N}{1000} \quad \text{кг/сут}$$

2. Тозаланган оқова сувнинг КБТ20 бўйича қуйидаги ифода орали аниқлаш мумкин.

$$C = \frac{a \cdot N}{1000}$$

жойдаги аҳоли сони;

- а** - канализациядан фойдаланадиган ҳар бир аҳолидан суткада канализацияга тушадиган чўқмалар бўйича ифлослар миқри, қурилиш мъёrlари ва қоидаларидан 25 жадвалидан олинади (битта аҳоли учун суткасига $a=65$ г.).
- в** - канализациядан фойдаланадиган ҳар бир аҳолидан суткада канализацияга тушадиган КБТ20 бўйича ифлослар миқдори 25 жадвалдан олинади в = 60 г.

Саноат корхоналаридан канализацияга тушадиган ифлосликларнинг умумий миқдорини чўкинди ва КБТ20 бўйича аниқлаш қурилиш мъёrlари ва қоидаларининг 6.6 бандига биноан саноат корхоналаридан оқиб келадиган

оқова сувлар миқдорини, тозаловчи станцияга оқиб келиш вақтини , сувлардаги ифлослар таркибини, чўкма ва КБТ5 бўйича ифлослик концентрациясини саноатнинг технологик маълумотлари бўйича қабул қилинади ёки шунга ўхшаш саноатларнинг оқова сувларини ўрганиш, текшириш орқали аниқланган ва адабиётларда келтирилган маълумотлардан қабул қилиш мумкин.

Хисоблаш қулай бўлиши учун маълумотларни қуидаги жадвалда бериш мумкин.

ЖАДВАЛ 1

ТТ/ Р	Саноат корхона -лари	Ифлосликлар концентрацияси		Саноат окова сувларини нг суткалик миқдори	Ифлосликларнинг умумий миқдори кг/сутка	
		Чўкинди бўйича: α_1	КБТ5 тоза ланмагани бўйича: α_2	Q $m^3/ сут$	Чўкинди бўйича: $C_{сан} = \frac{aQ}{1000}$	КБТ бўйича: $L_{cac} = \frac{a \cdot Qc}{1000}$
1						

ЖАМИ:

Q сан

С сан

Lcah

Адабиётларда КБТ5 норма қийматлари тозаланган оқова сувлар учун берилади, 1 жадвалга бўлса КБТ5 тўла тозаланган оқова сув қийматини қўйилиши керак, шунинг учун КБТ5 тозаланган КБТ тўла тозаланган қийматлар ўзаро тeng деб жадвалга киритилади, яъни

тозаланмаган

тозаланган

тозаланган

$$L_5 = L_{\text{ТУла}} = L_{20}$$

Саноат оқова сувларидаги ифлосликларнинг ўртача концентрациясини аниклаш.

1. Чўкинди бўйича қўйидаги ифода орқали аниқлаш мумкин

$$C_{\text{сан}}^{\text{сан}} = \frac{\sum C_{\text{сан}} \cdot 1000}{Q_{\text{сан}}} , \text{ г/м}^3$$

2. КБТ бўйича қўйидаги ифода орқали аниқланади

$$L_{\text{сан}}^{\text{сан}} = \frac{\sum L_{\text{сан}} \cdot 1000}{Q_{\text{сан}}} , \text{ г/м}^3$$

бу ерда, $C_{\text{сан}}$, $L_{\text{сан}}$, $Q_{\text{сан}}$ қийматлари 1 жадвалдан олинади.

3. Аралашган оқова сувлар учун шаҳар бўйича ифлосликларнинг умумий миқдорини аниқлаш.

Ҳисоблашлар қулай бўлиши учун ифлосликларнинг умумий миқдорини қўйидаги жадвал шаклида аниқлаймиз,

ЖАДВАЛ 2

№	Номлари	Оқова сувларнинг умумий миқдори Q , $\text{м}^3/\text{сут}$	Шаҳар бўйича ифлосликлар миқдори кг/сут; чўкма КБТ бўйича, тўла бўйича, тозаланганлиги бўйича	
			4	5
1	2	3		
1.	Аҳолидан	$Q_{\text{м-х}}$	1-ифода	2-ифода
2.	Саноат корхоналаридан	$Q_{\text{сан}}$	1 жадвал	1 жадвал

тозал

Ҳаммаси бўлиб:

$Q_{\text{ап}}$

$C_{\text{ап}}$

$L_{\text{ап}} = L_{20}$

. Оқова сувлар аралашмасининг ўртача концентрациясини аниқлаш.

Оқова сувларнинг ўртача концентрациясини қуидаги ифодалар орқали аниқлаш мумкин

1. Чўкинди бўйича:

$$C = \frac{\sum C \cdot 1000}{Q} \text{ г/м}^3$$

2. КБТ20 бўйича:

$$L = \frac{\sum L \cdot 1000}{Q} \text{ г/м}^3$$

Назорат саволлар:

1. Оқова сувлар нечта турга бўлинади?
2. Оқова сувларнинг ифлослик концентрация нима?
3. Ифлослик концентрацияси қанақа усуллар билан аниқланади?
4. Чўкинди бўйича аниқлаш деганда нимани тушунасиз?
5. КБТ бўйича аниқлаш қандай бўлади?

Назорат саволлари

1. Сувни хлор қандай амалга оширилади?
2. Сувни бактерияларга қарши нурлантиришдан мақсад?
3. Сувни бактерияларга қарши нурлантириш қандай босқичларда амалга оширилади?
4. Сувни нур таъсиридан заарсизлантирадиган қурилманинг афзалиги нимада?
5. Сувни рангизлантиришда ҳар литрга неча мгр озон олинади?

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1 - мавзу: Саноат корхоналарининг сув таъминоти тизимлари

Саноат корхоналарида ёпиқ занжирли сув таъминоти тизимларини бош

режасини ва сув баланси шаклини тузиш. Саноат корхоналарида ёпиқ занжирли сув таъминоти тизимларини тармоқларини гидравлик ҳисоблаш дастурлари. Лойиҳалаш жараёнларида геоахборот тизимларидан фойдаланиш ва маълумотлар базасини шакллантириш.

Дарснинг мақсади: Тингловчилар ёпиқ занжирли сув таъминоти тизимининг моҳиятини англаши ва унинг сув ресурсларини муҳофазаси учун тутган ўрнини тушуниши.

Масаланинг қўйилиши: Мавжуд, анъанавий сув таъминоти тизимларини таққослаш.

Амалий машғулотларларни “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Давра сухбати”, “Кейс стади” ва бошқа таълим технологияларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда ўкув жараёнида фойдаланиладиган замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши, маъruzалар бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш, амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилади.

Сув таъминоти тизимлари саноат корхоналарининг ажралмас қисми бўлиб, у деярли барча ишлаб чиқаришда ишлатилади. Корхоналарнинг замонавий сув таъминоти тизимларини таққосланг. Мисолларни келтиринг ва мухокама қилинг.

1 – машқ.

$W = 12,6 \text{ м}^3$ ҳажмли идишни $t = 30$ минут вақтда тулдириш талаб қилинади. Доимий босим $H = 2,6$ м билан идишга сув берилаётган сув узатиш қувури d диаметрини аниқланг. Қувур узунлиги $l = 150$ м, $n = 0,014$.
Жавоб. $d = 100$ мм.

2 – машқ.

31,0 м белгида сув сатҳи билан A босим идишидан B пунктга ўлчамлари $l = 1520$ м, $d = 200$ мм, янги пулат қувурдан $Q_1 = 25,8$ л/с сарф келиб тушяпти (9 - расм).

Аниқлаш керак.

1) Сув кутарилаётган B пунктдаги белгини.
2) Узоқ вақт эксплуатация қилингандан кейин 23,85 м – B пунктдаги белгида ва берилган ўлчамлардаги қувур қандай Q_2 сарф утказади.

Жавоб. 1) B пункт катталиги – 23,85 м, 2) $Q_2 = 22,3$ сарф л/с.

Эслатма. Икки ҳол учун ҳам қаршиликнинг утиш соҳасига эгамиз.

2-амалий машғулот.

2- амалий машғулот: Саноат оқова сувларини оқизиш тизимлари

Саноат оқова сувларини оқизиш ва тозалаш тизимлари. Саноат оқова сувларининг тоифалари. Оқова сувларни кимёвий таркиби ва хоссалари. Саноат корхоналарининг сув таъминоти ва оқоваларини оқизиш тизимлари ва шаклларини танлаш тамойиллари. Оқоваларни шаҳар канализация тармоқлари ва очиқ сув ҳавзаларига қўшиш шартларини ҳисоблаш. Саноат оқова сувларини тозалаш. Оқоваларни тозалаш усуллари. Оқова сувларни ўрталаштириш жараёни ва ўрталагичлар ҳисоби. Саноат оқова сувларини механик, кимёвий, физик-кимёвий ва биологик тозалаш иншоотлари. Тозалаш жараёнларида ҳосил бўладиган чўкмалар. Саноат оқова сувларини чуқур тозалаш иншоотлари.

3 – машқ.

15,50 м сув сатҳи белгили A босим идишидан $Q = 20,6 \text{ л/с}$ миқдорда 10,6 м белгига – B пунктга сув бериш талаб қилинади. A ва B пунктлар орасидаги масофа $l = 880 \text{ м}$. Сув тарқатиш тармоғи учун қувур диаметри $d = 150 \text{ мм}$ (1 м қувур оғирлиги 38 кг ёки $372,8 \text{ Н}$) ва $d = 200 \text{ мм}$ (1 м қувур оғирлиги 55 кг ёки $539,6 \text{ Н}$) диаметрли қувурлар мавжуд. Уларнинг умумий оғирлиги энг кам бўлиши учун мавжуд қувурлардан қайси бирини қўйиш керак?

Ҳисоблаш. $H = 15,50 - 10,60 = 4,90 \text{ м}$ босим берилганда (5) ифодадан сарф характеристикасини аниқлаймиз.

$$K = Q \sqrt{\frac{l}{H}} = 20,6 \sqrt{\frac{880}{4,90}} = 276 \text{ л/с.}$$

5 жадвал бўйича $d_1 = 150 \text{ мм}$ учун $K = 158,4 \text{ л/с}$ ва $d_2 = 200 \text{ мм}$ учун $K = 340,8 \text{ л/с}$ ни топамиз.

Ҳисобланган сарф характеристикаси катталиги $d = 150 \text{ мм}$ қувур урнатилганда ҳисобланган катталиклардаги берилган сарф чиқариши таъминланмайди, $d = 200 \text{ мм}$ да эса ҳисобдагидан ортиқ сарф кетади ёки ортиқча босим қолади.

AB тула узунлиги бўйича $d = 200 \text{ мм}$ қувур лойиҳалаштириш металлни ортиқча ҳаражатига олиб келади. Металлни энг кам сарфлашда ҳисоб шартларини бажариш учун юқоридаги икки хил диаметрли икки кетма – кет уланган соҳалардан қувур тузамиз.

Икки қисмдаги босимлар йўқолиш йигиндиси

$$H = 15,50 - 10,60 = 4,90 \text{ м.}$$

$d = 150 \text{ мм}$ бўлганда қувурдаги тезлик $\vartheta_1 = \frac{Q4}{\pi \times d^2} = \frac{20,6 \times 4}{3,14 \times 1,5^2} = 11,6 \text{ дц/с} = 1,60 \text{ м/с}$, қаршилик соҳаси квадратик, чунки ϑ_1 тезлик ϑ дан катта, $d = 100 \div 200 \text{ мм}$ ўртача қувурлар учун 6 – жадвалда кўрсатилган.

$d = 200$ мм бўлганда тезлик $\vartheta_2 = \frac{20,6 \times 4}{3,14 \times 2,0^2} = 6,6$ дц/с қаршилик соҳаси утувчан, чунки ϑ_2 тезлик $d = 200$ мм қувурлар учун 7 – жадвалда кўрсатилгандан кам. $d = 150$ мм диаметр билан соҳа узунлигини x орқали ифодалаб, қувурнинг бутун узунлиги бўйлаб босим йўқолиш йифиндисига эга бўламиз.

$$Q^2 x \frac{1000}{K_1^2} + Q^2(l-x) \frac{1000}{K_2^2} \theta_2 = H$$

5 – жадвал ёрдамида сонли қийматларни қутиб, қутидагини ҳосил қиласиз.

$$20,6^2 x \times 0,03985 + 20,6^2 (0,88 - x) \times 0,00861 \times 1,15 = 4,90$$

ва бундан $x = 0,0946$ км ≈ 95 м ни топамиз.

x қисмидаги $d = 150$ мм бўлган қувурлар оғирлиги $95 \times 38 = 3610$ кГ ёки $95 \times 372,8 = 35416$ кН ни ташкил қиласи. $l - x = 880 - 95 = 785$ м қолган узунликда оғирлик $785 \times 55 = 43175$ кГ ёки $785 \times 539,6 = 423586$ кН ёки $423,6$ кН бўлади.

Қувурларнинг умумий оғирлиги $3610 + 43175 = 46785$ кГ ёки 459,0 кН. Бу берилган босимдан фойдаланиш шартида энг кам оғирлик бўлади.

4 – машқ.

A идишдан B идишга $Q = 18,2$ л/с сарф утказиш учун $l = 760$ м узунликдаги шундай қувур кесимини олингки, бунда $H_A = 28,0$ м ва $H_B = 15,3$ м сув сатҳи баландликлари идишларда доимий бўлиб қолсин. Қувурлар ҳолати ўртача.

Жавоб. Қувур икки кетма – кет уланган соҳалардан ташкил топган, $d_1 = 125$ мм, $l_1 = 123$ м, $d_2 = 250$ мм, $l_2 = 637$ м.

5 – машқ.

Сув босимли идишдан қувур бўйлаб A ва B сув тарқатувчи пунктларна келаяпти (10 - расм). A пунктгача давом этган қувур ўлчамлари, $l_1 = 432$ м, $d_1 = 150$ мм, сарф эса $Q_A = 19,0$ л/с.

B пунктда сарф $Q_B = 38,0$ л/с, $l_2 = 610$ м, $d_2 = 200$ мм. Агар идишдаги бошланғич босим $H = 15,4$ м бўлса, A ва B пунктлардаги қолган босимни аниқланг. Қувурлар яхши ҳолатда.

Жавоб. $H_A = 9,18$ м, $H_B = 7,82$ м.

Назорат саволлари:

- Сув таъминоти тизимларда сувдан самарали фойдаланиш қандай баҳоланади?

2. Мавжуд сув таъминоти тизимлари қандай афзаллик ва камчиликларга эга?
3. Сув таъминоти тизимини танлашда қайси омил энг кучли таъсир этади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Standard Handbook of Environmental Engineering.R.A. Corbit. New York 2011.
2. Water and Wastewater Engineering. Design Principles and Practice. Mackenzie L. Davis, Ph.D., P.E., BCEE. 2010 by The McGraw-Hill Companies. New York.1278 р.
3. Канализация населенных мест и промышленных предприятий.Справочник проектировщика под ред.В.Н.Самохина.М.:Стройиздат.1981.-639 с.
4. Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифатини назорат қилиш О’з Dst 950:2011. Тошкент.- 2011 й.
5. ҚМҚ 02.04.02-97. Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар. Тошкент, 1997 й.
6. ҚМҚ 2.04.03 – 97 Канализация. Ташки тармоқлар ва иншоотлар Тошкент, 1998
7. У.Т.Зокиров, Э.С.Буриев “Сув таъминоти ва оқова сувларни оқизиш ва тозалаш асослари”. “Билим” нашриёти 2012 йил.
8. Буриев Э.С., Якубов К.А.«Оқова сувларини оқизиш тармоқлари» Тошкент 2014 й.189 б.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Кейс № 1: Саноат корхоналарининг сув таъминоти тизимлари

I. Педагогик аннотация.

Модул номи: “Саноат корхоналарининг сув таъминоти тизимлари”.

Мавзу: Модуль мақсади ва вазифалари. Сув таъминоти тизимлари,

Берилган case study мақсади: “Саноат корхоналарининг сув таъминоти тизимлари”га умумий тавсиф беради, Тингловчиларга баҳо бериш мезонлари тушунтирилади, гуруҳчалар ташкил қиласиди, кейс стадининг индивидуал босқичида бажариш учун мавзу берилади. Тингловчиларга кейс дафтарчалари тарқатадилади. Мавжуд адабиёт билан таништирилади.

Кутилаётган натижалар: Тингловчилар ушбу мавзуни ўрганиш жараёни орқали “Саноат корхоналарининг сув таъминоти тизимлари” модулининг асосий вазифалари, ютуқлари, бошқа модуллар билан боғланиш даражалари, жамиятдаги аҳамияти ҳамда бугунги Ўзбекистандаги тараққиёт даражалари ҳақида тушунчаларга эга бўладилар.

Case study-ни муваффақиятли бажариш учун Тингловчи қўйидаги билимларга эга бўлиши лозим:

Тингловчи билиши керак:

Модуль мақсади ва вазифаларини. Саноат корхоналарининг сув таъминоти тизимлари.

Тингловчи амалга ошириши керак: мавзуни мустақил ўрганади, муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; ғояларни илгари суради, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади, ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантиқий хулоса чақаради, маълумотларни таққослайди, танқидий хулоса чиқаради, тахлил қиласиди ва умумлаштиради.

Case study-нинг объекти: Саноат корхоналарининг сув таъминоти тизимлари таърифлари, вазифалари.

Case study-да ишлатилган маълумотлар манбаи:

“Саноат корхоналарининг сув таъминоти тизимлари” модули бўйича адабиётлар.

Case study-нинг типологик хусусиятларга кўра характеристикаси:

Case study кабинетли тоифага кириб сюжетсиз хисобланади, case study маълумотларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга, ҳамда таҳлил қилишга қаратилган.

Муаммолар: Саноат корхоналарининг сув таъминоти тизимлари соҳасининг ривожи учун муҳим булган концепция бутун дунё ривожланган мамлакатларида қандай ўрин топган ?

Олдинги собиқ Совет иттифоқи даврида бунга эътибор берилганми?
Мустақил Ўзбекистонда ушбу йўналишда дастлаб қандай модул ўқилган ?
Сувдан самарали фойдаланиш кўрсатгичлари ?
Ёпиқ занжирли сув таъминоти тизимининг аҳамияти нимада ?
Ёпиқ занжирли сув таъминоти тизимининг сув ресурслари учун аҳамияти нимада ?

VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<i>Сув таъминоти</i>	<i>Объектни керакли миқдорда, босимда талаб қилинадиган сифат талабларида сув билан таъминлаш учун мўлжалланган мухандислик тармоқлар ва инишотлар мајмуи.</i>	<i>The object desired amount of pressure required water quality standards designed to provide a set of engineering networks and facilities.</i>
<i>Оқова сув</i>	<i>Ишлаб чиқаршида сувдан фойдаланиши натижасида ҳосил бўладиган ифлосланган суюқ чиқиндилар.</i>	<i>Formed as a result of the use of water in the production of contaminated liquid waste.</i>
<i>Сув сарғи</i>	<i>Вақт бирлиги ичидаги жонли кесим орқали ўтаётган суюқлик ҳажми.</i>	<i>Time live in the unit volume of fluid passing through the crossing.</i>
<i>Сув манбалари</i>	<i>Сув таъминоти тизимида сув олинидиган сув ҳавзаси, очиқ ва ер ости турларга бўлинади.</i>	<i>Water Water from the reservoir, outdoor and underground types.</i>
<i>Тозалаши инишоти</i>	<i>Сувни маълум кўрсатгичлар бўйича тозалаши учун мўлжалланган инишотлар тўплами.</i>	<i>Water to a specific set of indicators designed for the cleaning of buildings.</i>
<i>Ифлосликлар концентрацияси</i>	<i>Бир ҳажм суюқликда мавжуд бўлган ифлосликлар массаси.</i>	<i>A mass of impurities present in liquids volume.</i>
<i>Насос станцияси</i>	<i>Сувни бир жойдан иккинчи жойга узатиш ёки маълум баландликка кўтариши учун мўлжалланган инишот.</i>	<i>Or to transfer water from one place to second place designed to raise the height of buildings.</i>
<i>Шартли тоза сув</i>	<i>Ҳосил бўлган оқова таркибида деярли ифлослик бўлмаган сув.</i>	<i>That the waste contains almost dirty water.</i>
<i>Тозалаши даражаси</i>	<i>Фоиз ҳисобида маълум бир кўрсатгич бўйича ушлаб қолинадиган миқдор.</i>	<i>A certain percentage of the amount of the retention.</i>
<i>Сув йўқолишилари</i>	<i>Сувдан фойдаланиши даврида беҳуда йуқоладиган сув миқдори,%.</i>	<i>Of the amount of waste water during the high water.</i>
<i>Тўғри чизиқли шакл</i>	<i>Сувни манбадан олиб, уни ишилатиб, яна манбага ташлайдиган шакл.</i>	<i>Water source, it uses more resources out of shape.</i>
<i>Айланма шакл</i>	<i>Сувни бир неча бор тозалаб қайта ишилатадиган шакл.</i>	<i>Water has been used to clear the form.</i>
<i>Кетма-кет шакл</i>	<i>Бир бор ишилатилган сувни бошқа технологияда ишилатадиган шакл.</i>	<i>Has been used in the form of water and other technology.</i>
<i>Сув-босим минораси</i>	<i>Сувни маълум босимда ва ҳажмда сақлаш учун мўлжалланган инишот.</i>	<i>Water pressure, and is designed for the storage facility.</i>
<i>Тоза сув сақлаш ҳовузи</i>	<i>Тозаланган сувни сақлаш учун мўлжалланган сув сигими.</i>	<i>Purified water capacity to store water.</i>
<i>Сувсиз технологиялар</i>	<i>Умуман сув ишилатмадиган ёки сув</i>	<i>In general, water</i>

	<i>tölyik maçsulotga ýtiб кетадиган технология.</i>	<i>ishlatmadigan water going through the full product or technology.</i>
<i>Шартлы тозалаш</i>	<i>Оқоваларни сув ҳавзаларига безарар ташлаш учун эриишиладиган тозалаш даражаси.</i>	<i>Dumped into water bodies safe and clean.</i>

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Standard Handbook of Environmental Engineering.R.A. Corbit. New York 2011.
2. Water and Wastewater Engineering. Design Principles and Practice. Mackenzie L. Davis, Ph.D., P.E., BCEE. 2010 by The McGraw-Hill Companies. New York.1278 p.
3. Lehr, Jay.Domestic, municipal, and industrial water supply and waste disposal Published by John Wiley & Sons, Inc., Hoboken, New Jersey.2005.
4. Water—supply engineering Handbooks, manuals, etc. I. Mays, Larry W. TD481.W375 1999, 628. 1'44—dc21.
5. Журба М.Г., Соколов Л.И., Говорова Ж.М. Водоснабжение. Проектирование систем и сооружений: издание второе, пер. и доп. Уч.пос. - М.: Изд. АСВ, 2003. - 288 с.
6. Канализация населенных мест и промышленных предприятий.Справочник проектировщика под ред.В.Н.Самохина.М.:Стройиздат.1981.-639 с.
7. Справочник проектировщика промышленных жилых и общественных зданий и сооружений. Водоснабжение населённых мест и промышленных предприятий. М.: Стройиздат 1977 г.
8. Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифатини назорат қилиш О'з Dst 950:2011. Тошкент.- 2011 й.
9. ҚМҚ 02.04.02-97. Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар. Тошкент, 1997 й.
10. ҚМҚ 2.04.03 – 97 Канализация. Ташки тармоқлар ва иншоотлар Тошкент, 1998.
11. У.Т.Зокиров, Э.С.Буриев “Сув таъминоти ва оқова сувларни оқизиш ва тозалаш асослари”. “Билим” нашриёти 2012 йил.
12. Буриев Э.С., Якубов К.А.«Оқова сувларини оқизиш тармоқлари» Тошкент 2014 й.189 б.
13. Emergencies and Disasters in Drinking Water Supply and Sewerage Systems: Guidelines for Effective Response.Washington, D.C.: PAHO, © 2002,104p.
14. John van Rijn.Planning of water supply and sewer systems. Edition, 2004.

Интернет маълумотлари:

1. <http://www.uforum.uz>
2. <http://www.ziyonet.uz>
3. <http://www.edu.uz>
4. <http://www.nuu.uz>
5. <http://www.politerm.com.ru/arcgis/engineer.htm>
6. http://www.cadmaster.ru/articles/19_fluidflow.cfm